

ЮРИДИК ШАХС ВА ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНМАГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

24.01 2022 й.

Қизилер
(шаҳар, туман)

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги) томонидан берилган лицензия, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Устави ва Ишончномаси ҳамда "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали Низоми асосида фаолият юритувчи "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали директори Ш.В. Нортчугоров номидан Қизилер телекоммуникация боғламаси бошлиғи Б. Ширкаев (бундан буён "Оператор" деб аталувчи) бир томондан,

Юридик шахс (Хусусий тадбиркор)
Тадабнома берувчининг номи: <u>Бадирхон Тўғон Ветеринар</u>
<u>ва ҳорвашияни ривожлантириш бўлими</u>
Манзили: <u>Бадирхон Тўғон</u>
(хусусий турар жой ёки ижарага олинган бинонинг манзили)
Раҳбарнинг лавозими, Ф. И. Ш. <u>А. Қанишев</u>
<u>Бадирхон Тўғон "Сарай" мажмуаси 91582-2310</u>
(корхона раҳбарининг уй манзили ва телефони)

(бундан буён "Абонент" деб аталувчи) иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидалари»га биноан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телекоммуникация хизматларини кўрсатиш, Абонент эса шартнома шартларига мувофиқ ушбу хизматлар учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олади.

1.1 Абонентга ажратилган абонент рақамлари рўйхати. 76-37-41-518

улардан маълумот хизматлари учун

1.2 Абонент (охирги) қурилмаси тури, уларнинг сони, ўрнатилиш жойи

(телефон, уяли телефон, модем, факс, телекс, интернет ва бошқалар)

1.3 _____ гача хизмат кўрсатилади.
(охирги қурилмаси, тақсимлаш шкафи, бино, идоравий АТС...)

1.4 Тўғридан-тўғри симлар _____
(сони, уларнинг рақамлари)

1.5 Параллель қурилмаларнинг сони, рақами _____

1.6 Кўрсатилган хизматлар тўлови бўйича ҚҚС мавжудлиги _____
(ҚҚС билан, ҚҚСсиз)

1.7 Абонент тоифаси _____
(бюджет, хўжалик ҳисобидаги)

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Оператор қуйидагиларга мажбур:

2.1.1 Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ ўз вақтида, белгиланган сифат даражасида телекоммуникация хизматларини кўрсатишга.

2.1.2 Абонентнинг станция техник носозликлари ва линия-кабель шикастланишларини бартараф этишга аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларни 20 кундан ошмаган, норматив муддатларда бажарилишини таъминлашга.

2.1.3 Телекоммуникация тармоғи Абонентнинг айбисиз бузилган ҳолларда, Абонент томонидан таъмирлаш бюросига ариза берилган кундан бошлаб, абонент қурилмасининг ишламаган бутун даври учун абонент тўловларини қайта ҳисоб-китоб қилишга.

2.1.4 Станция ва линия-кабель иншоотларини режадаги реконструкция қилиш ишлари натижасида телекоммуникация тармоғи вақтинча узиладиган ҳолларда, Абонентларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилишга.

2.1.5 Техник сабабларга кўра, абонент ракамнинг ўзгартирилиши тўғрисида тақдим этилганлиги ҳақидаги хабарнома билан Абонентни ёзма равишда ёки оммавий ахборот воситалари орқали 10 кун ичида хабардор қилишга.

2.1.6 Янги станцияларнинг жорий этилиши ва телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиниши муносабати билан Абонентнинг розилигисиз, лекин амалдаги «Қоидалар»га асосан олдиндан хабардор қилган ҳолда, телефон ракамларини бепул алмаштиришга.

2.1.7 Абонентнинг аризасига кўра, аризада келтирилган муддатга ракамни сақлаган ҳолда, телефонни вақтинча ўчиришга. Бунда ракамни сақлашни вақти учун абонент тўлови олдиндан ундирилади.

2.1.8 Маҳаллий телефон алоқаси хизматларига вақтбай ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланган ҳолда ҳисоб варағини чиқаришда ҳақ тўланган даврга алоҳида ҳақ учун батафсил изоҳланган ҳисобни тақдим этишга.

2.1.9 Операторда рўйхатга олинмаган ёки мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган Абонент томонидан фойдаланиладиган охириги қурилмалар (телефон аппаратлари, телематик хизматлар, маълумотлар узатиш қурилмаларини, радиотелефонлар, радиоўзайтиргичларни, ракамни автоматик аниклагич (РАА) ва ҳоказо)ни икки томонлама далолатнома тузган ҳолда ўчиришга.

2.1.10 Абонент қурилмасини телекоммуникация тармоғидан вақтинчалик узиб қўйиш йўли билан телекоммуникация тармоғидан фойдаланишини тўхтатишга:

- Маҳаллий, халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоғи хизматларига тўловлар, ўчириб қўйишдан олдин 10 кун ичида Абонентга бу ҳақида телефон орқали ёки ёзма хабарнома билан маълум қилиниб, белгиланган муддатида тўланмаганда;

- Абонент томонидан телекоммуникациялар Операторининг коммутация ускуналарини нормал ишлашини бузилишга олиб келиши мумкин бўлган абонент қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганида;

- 2.2.7-банд шартлари бузилганда, икки томонлама далолатнома тузган ҳолда бузилишлар бартараф этилгунга қадар;

Абонент қурилмаларининг вақтинчалик ўчирилишига олиб келган бузилишлар бартараф этилгандан кейин, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ, шунингдек абонент қурилмаси Абонент айби билан ишламаган вақт учун абонент тўлови Абонент томонидан тўлангандан кейин бир кеча-кундуз ичида абонент қурилмасини улаш. Бунда улаш учун тўлов олинмайди.

2.1.11 Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматларнинг охириги қурилмаларини (телефакс, телекс, модем, видеотекс, интернет, маълумотлар узатиш ва бошқалар) шартномага қўшимчалар киритган ҳолда (7-бўлимга биноан) рўйхатга олишга.

2.1.12 Шартнома шартларига биноан, барча кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун Абонент томонидан тўловлар тўлиқ тўланганда, унинг хоҳишига кўра шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилади. Агар Абонент томонидан тўловлар амалга оширилмаса, шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

2.2 Абонент қўйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ўз телефони ва/ёки бошқа охириги қурилмалардан амалга оширилган, кўрсатилган телекоммуникация хизматлари (шу жумладан, тармоқларнинг техник имкониятлари билан белгиланадиган ва барча Абонентлар учун очик бўлган телекоммуникациянинг қўшимча хизматларидан, жумладан интеллектуал тармоқлардан фойдаланилганлиги, маълумотлар узатиш ва Интернет, ахборот ресурсларидан фойдаланиш хизматлари тармоғидан паролсиз фойдаланганлиги) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш. Ушбу шартномада кўрсатилмаган ва талабга биноан кўрсатилган хизматлар учун амалдаги тарифларга мувофиқ ҳақ тўлаш.

2.2.2 Ҳар ойда бир маротаба Оператор билан тўловлар ва қарздорликлар тўғрисида ўзаро солиштирма далолатнома тузиш.

2.2.3 Операторга тегишли ёки Оператор томонидан хизмат кўрсатиладиган ва Абонент фойдаланаётган телекоммуникация тармоғини ва бошқа ускуналарни бут ва соз (ишга ярокли) ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникациялар воситаларининг техник нормаларга мослигини таъминлаш.

2.2.4 Алоқа бузилганлиги тўғрисида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига телефон орқали ўз вақтида хабар бериш. 3 кунгача носозлик бартараф қилинмаганда телекоммуникация боғламаси бошлиғи номига ёзма равишда мурожаат этиш.

2.2.5 Бир ойлик муддатда ёзма равишда санани кўрсатган ҳолда, Операторга ҳисоб ракамларнинг, ташкилот номининг ўзгариши, хонани ижарага берилиши ҳақида хабар бериш ва амалдаги тариф бўйича тўловларни тўлаш билан шартномани қайтадан тузиш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугагандан ёки ижара шартномаси бекор қилингандан сўнг телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчига тўловсиз расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қилар экан, ижарачининг Оператор олдидаги қарзларининг қоплалигини назорат қилади ва қарзларнинг мавжудлиги учун белгиланган тартибда жавобгардир.

2.2.6 Оператор ходимларда тегишли, амал қилиш муддатига эга бўлган суратли, муҳр босилган шахсий гувоҳнома, ишларни бажариш учун наряд мавжуд бўлганда, Абонентнинг «Қоидалар»га ва ушбу шартномага

риоя қилишини текшириш ёки Абонент талабномаси бўйича таъмирлаш ишларини бажариш учун рухсат бериш.

2.2.7 Абонент қурилмасидан таксофон сифатида ёки Интернетга уланиб, пулли хизматлар кўрсатиш учун фойдаланмаслик. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамлари орқали телекоммуникация хизматлари кўрсатилишини қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш. Ушбу банд бузилган ҳолда, Оператор икки томонлама далолатномани расмийлаштириш орқали бузилишлар бартараф этилгунга қадар, Абонентнинг телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Қоидалар такрор бузилганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.2.8 Абонент ўзининг абонент линиясидан ва охириги терминал қурилмасидан Интернет тармоғига уланиш учун фойдаланаётган ва жумладан қайта уланиш дастурларига уланган вақтдан бошлаб у чиқувчи трафикларига ҳам жавобгардир.

2.2.9 Абонент қурилмаси сифатида фақат сертификатланган қурилмалардан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати бўлмаган рақамни автоматик аниқловчи (РАА) қурилмаларни қўлланмаслик.

2.2.10 Ўзбошимчалик билан охириги қурилмаларни ўрнатмаслик, параллель телефон аппаратлари ёки бошқа радиоалоқа, телематик хизмат ва маълумотларни узатиш охириги қурилмаларини уламаслик. Ушбу қурилмаларни улаш Оператор хабардор қилингандан сўнг ва мувофиқлик сертификатига эга бўлганда амалга оширилади.

Абонент линиясига Операторда рўйхатга олинмаган абонент қурилмалари Абонент томонидан ўзбошимчалик билан уланган вақтини аниқлаш мумкин бўлмаганда, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ундирилади.

2.2.11 Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситаларни (қуввати 10мВтдан кўп бўлмаган шнурсиз телефонлардан ташқари) уларни эксплуатация қилишга Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан ёки унинг ваколатли органидан рухсат олингандан ва Операторни хабардор қилингандан кейин абонент қурилмаси сифатида улаш.

2.2.12 Телекоммуникациялар тармоқларининг иш сифатини пасайишига ёки шикастланишига йўналтирилган ҳаракатлар қилмаслик.

3. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

3.1 Телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади ва хизматлар кўрсатилган пайтда амалда бўлган тарифлар бўйича ҳақ тўланади.

3.2 Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, боғламадаги ҳисоб-китоб-кассаларида, тўловларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган почта алоқа бўлимларида, банк муассасаларида нақд пул, пластик карточка ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3 Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматларига тўлов олдинги ой учун тўлов суммасининг 100 фоизи миқдорда қуйидагича амалга оширилади:

- олдиндан ҳақ тўлаш йўли билан;
105000 (бир юз беш мианг) сўм

- бевосита хизматлар кўрсатилгандан кейин;

3.4 Маҳаллий тармоқ хизматларидан фойдаланганлик учун тўлов ҳисобот (жорий) ойининг сўнгги санасидан кечиктирмасдан амалга оширилиши лозим. Олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишда тўловни қабул қилиш бир ойдан кам бўлмаган, лекин 12 ойдан ошмайдиган муддат учун амалга оширилади.

3.5 Телекоммуникация хизматлари учун олдиндан ҳақ тўлашда аванс тўловининг суммаси бухгалтерия ҳисоб-китоби бўйича ойма-ой камайтирилиб борилади.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматлар учун тарифлар ошганда, улар юзасидан ҳисоб-китоблар аванс суммаси тугагунга қадар, агар ушбу хизматлар юзасидан тўлов универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлиги тўғрисида эълон қилингунгача амалга оширилган бўлса, аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади.

3.6 Маҳаллий (хизматларга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизими), халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация хизматларидан, шу жумладан, маълумотларни узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланганлик учун тўловни ҳам қўшганда, тўлов ҳисоб варақасида кўрсатилган санадан бошлаб, 15 кун муддат ичида амалга оширилади.

3.7 Абонент ҳисобот давридан кейинги бир ой ичида телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлаш бўйича, шу жумладан телефон ўчирилган вақт учун қарзини тўламаса ёки 2.2.7-банд такрор бузилса, Оператор телефон рақамини олиб қўйиш ва бу ҳақда Абонентни ёзма равишда қаида 10 кун олдин топширилганлиги тўғрисидаги хабарнома билан хабардор қилиш орқали шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳаққидир. Телефон ёки бошқа қурилмаларни янгидан ўрнатиш ариза берилгандан сўнг техник имкониятларга кўра, шартнома бекор қилинган даврдаги Абонентнинг ҳисобидаги қарзлари узилгандан кейин 12 ой ичида тариф бўйича ўрнатиш ҳақининг 50 фоизи тўлангандан сўнг амалга оширилади. Бу ҳолатда умумий асосда янги телефон рақами берилади.

3.8 Автоматик маҳаллий (телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимида), халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация хизмати ҳақи тўланадиган сўзлашув вақти қақираётган тармоқ орқали жавоб берган ҳар қандай шахс билан сўзлашув бошланган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Агар телефонга уланган қандайдир техник қурилма (факс, автожавоб берувчи, 2РАА ва ҳоказо) билан уланиш ҳолларида, ҳақ тўланадиган сўзлашув вақти қурилма билан уланиш пайтидан бошлаб ҳисобланади.

3.9 Абонент тўланиш лозим бўлган суммадан, сўзлашув давомийлиги ёки сўзлашувнинг унга тегишлилигидан норози бўлганда, ҳисоб варағини олгандан кейин 45 кун давомида ёзма равишда шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. 45 кун ўтгандан кейин даъволар қабул қилинмайди. Абонент текшириш натижаларидан норози бўлса судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3.10 Шартноманинг 3.9-бандини текшириш ўтказилаётган вақтда телефон уланган бўлиши керак.

3.11 Телекоммуникация охириги қурилмалари Абонентнинг айби билан ишламаган вақти учун абонент тўлови тўлиқ миқдорда ундирилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Томонлар шартнома шартларини бузганда жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»га, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунларга, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидалари»га ва амалдаги бошқа қонунларга шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.

5. ЭЪТИРОЗ ВА ДАЪВОЛАР

5.1 Шартнома шартлари талаб даражасида бажарилмаганда Томонларнинг эътироз ва даъволари ўзаро келишув йўли билан келишув бўлмаганда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида суд органлари орқали кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши Томонларнинг таъсири ва истакларига боғлиқ бўлмаган, вақтинча ёки узок вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалакит берадиган вазиятлар содир бўлганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тadbирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар шартнома мажбуриятларини бузган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

6.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон, иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги тўғрисида 10 кун муддат ичида телефон ва оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиши лозим.

6.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки уларни бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида хабар берилмаса, содир бўлганидан ёки бартараф этилганидан 15 кун муддат ўтган бўлса, кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаганлигига, бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайд.

7. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

7.1 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилиги билан ёзма равишда қўшимча келишув тартибиде амалга оширилади ва томонларнинг имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланади.

7.2 Томонлар ўртасидаги шартнома шартларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми бўлиб қолади ва келгусида уларга амал қилиш мажбурийдир.

7.3 Шартнома томонларнинг келишувига кўра, «Қоидалар» ўзгарганда ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда қайта тузилиши мумкин.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 201__ йил «__» _____ гача амал қилади. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугашига 10 кун қолганда, томонлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ёзма мурожаати бўлмаса, ушбу шартноманинг муддати кейинги йилларда ҳам ўзайтирилган деб ҳисобланади.

8.2 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиниши мумкин:

- Томонларнинг розилиги билан;
- шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганда;
- «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқа хизматларини кўрсатиш Қоидалари»га ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

ОПЕРАТОР

Сурхандарё вилояти
Қизилқум тумани
Телеком

индекс, почта манзили, телефон, факс

20110000904024838413

Банифнинг шаъар олоқаси

Код 00014

СТНР 203366731

ХХТУТ 61100

Рахбар

(ИМЗО)
БОҒЛАМАСИ

М.П.

АБОНЕНТ

Қандиқор тумани
Бегматнинг ва Ҳасаннинг
фамилияларини ўқини

индекс, почта манзили, телефон, факс

4002486022203704213250001

Банифнинг шаъар алоқаси

Код 00014

СТНР 207313454

ХХТУТ 92340

Рахбар

(ИМЗО)

М.П.



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RSIDA

GUVOHNOMA

Reestr № **10-000240**

№ 004060

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma

"O'ZBEKTELEKOM"

yuridik shaxsga berildi:

Tashkiliy-huquqiy shakli: **Ochiq aksiyadorlik jamiyati**

THSHT (OHP)

1150

Aksiyadorlik kompaniyasiMulkchilik shakli: **Aksiyadorlar**

MSHT (PC)

144

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:
A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY

MHBT (COATO)

1726266

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (OKHO)

17820078

Asosiy faoliyat turi: **Elektr va radio aloqasi**

XXTUT (OKOHX)

52300

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (IHH)

203366731

Qo'shimcha ma'lumotlar: **AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10 AVGUSTDAGI
1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN**

Vakolatlil organ boshlig'i:

S.M.TairshikovGUVOHNAME
DAVLAT RO'YXATIGA
OLINGAN TUG'RIK
TAYIN QILINADI